

**MEASURES FOR THE RESTORATION AND DEVELOPMENT OF NATIONAL CRAFTS****Oybek Ostonov***Researcher**Tashkent State Agrarian University**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: national culture, crafts, apprenticeship, entrepreneurship, entrepreneurship.

Received: 30.05.22**Accepted:** 01.06.22**Published:** 03.06.22

Abstract: In this article, the author has a high potential for national handicrafts and their development. An attempt has been made to evaluate and analyze the specific features of the economic policy pursued in the field of education from today's point of view. At the same time, on the basis of available sources on this topic, he revealed the specifics of the current use of economic policy in the development of handicrafts and types. In doing so, historicality and logic rarely used methods of analysis and synthesis.

**МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР
ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Ойбек Остонов*Тадқиқотчи**Тошкент давлат аграр университети**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сұзлар: миллий маданият, хунармандчилік, уста-шогирд, ишбилиармөнлик, тадбиркорлық.

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф миллий хунармандчилік ва уни ривожлантириш буйича юксак салохиятга эга булиб, миллий-тарихий ахамиятта эга булған хунармандчилік турларини саклаш, кайта тиклаш, шунингдек, салохиятли ёшларни купрок жалб килиб, нафакат бу соҳанинг давомчиларини шакллантириш балки, ахоли бандлигини хам таъминлашда хунармандчилікни ривожлантириш борасида олиб борган иктисадий сиёсатининг узига хос хусусиятларини бугунги кун нуктаи-назаридан баҳолаб, таҳлил килишга ҳаракат килинган. Бунда ушбу мавзу доирасидаги

мавжуд манбалар асосида ҳунармандчилик фаолияти ва турларини ривожлантириш борасидаги олиб борган иктисадий сиёсатидан бугунги кунда фойдаланишнинг ўзига хос аҳамиятли жиҳатларини очиб берган. Бунда тарихийлик ва мантиқийлик камда таҳлил ва синтез усусларидан фойдаланган.

МЕРЫ ПО ВОССТАНОВЛЕНИЮ И РАЗВИТИЮ НАРОДНЫХ ПРОМЫСЛОВ

Ойбек Остонов

Исследователь

*Ташкентский государственный аграрный университет
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: национальная культура, ремесла, мастерское ученичество, бизнес, предпринимательство.

Аннотация: В данной статье автор имеет высокий потенциал для развития и сохранения национальных ремесел, сохранения и восстановления национальных и исторических ремесел, а также развития ремесел не только для формирования преемников в этой сфере, но и для обеспечения занятости населения. Сделана попытка оценить и проанализировать особенности все более экономической политики с сегодняшней точки зрения. В то же время на основе доступных источников по данной теме он выявил специфику применения современной экономической политики в развитии ремесел и видов. При этом историчность и логика редко пользовались методами анализа и синтеза.

КИРИШ

Бугунги тараққиёт тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги кунда миллий маданият ва қадриятларни сақлаган ҳолда ўзликни чуқур хис қолишнинг зарурияти ортмоқда. Айниқса ҳозирги даврга келиб тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяётган мамлакатимизнинг бой ва мураккаб тарихини изчил ҳамда ҳаққоний ўрганишга эътибор кучайди. Узоқ тарихий тараққиёт жараённида минтақада шаклланган миллий маданият, маънавий-ахлоқий қадриятлар, шунингдек меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик соҳасида орттирилган тажрибаларни умумлаштириш, уларни ёшлар қалбига етказиши зарурияти танланган мавзуни долзарблигини янада оширади.

Халқ амалий санъати намуналарини тадқиқ этиш бўйича жаҳоннинг кўзга кўринган илмий марказлари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Турли мамлакатларда истиқомат қилаётган халқларнинг миллий хусусиятлари, урф-одат ва қадриятлари ҳамда

маданиятини ўзида ёрқин акс эттирган бундай буюмлар маҳсулот бозоридаги кескин рақобатда муайян устунликларга эга бўлмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, ҳунармандчилик соҳаси аҳолини иш билан таъминлаш бобида ҳам улкан имконият манбаига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимизда ҳунармандчилик соҳасини янада ривожлантириш, бу борада тарихий ҳақиқатни тиклаш ва асрлар давомида орттирилган бой тажрибаларни оммалаштириш ҳақида тўхталиб: “ҳунармандчилик соҳаси – янги иш ўринлари ташкил қилиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантириш борасида ҳам катта имкониятлар манбаи ҳисобланади. Шу боис юртимизнинг барча худудларида ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган манзилли дастурлар амалга оширилмоқда”, дея алоҳида таъкидлаган эди. Ривожланаётган мамлакатларда кўплаб ҳунармандлар давлат томонидан етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли ўз фаолиятларини тухтатаётган бир пайтда ривожланган мамлакатларда кўплаб ёшлар ҳунармандчиликка инкиrozдан кейинги даромад олишнинг ноёб манбаи сифатида қарамоқда.

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик ва уни ривожлантириш буйича юксак салоҳиятга эга булиб, миллий-тарихий аҳамиятга эга булган ҳунармандчилик турларини саклаш, кайта тиклаш, шунингдек, салоҳиятли ёшларни купрок жалб килиб, нафакат бу соҳанинг давомчиларини шакллантириш балки, ахоли бандлигини ҳам таъминлашда ўзини оқлаган бой тарихий тажрибалардан фойдаланишни давр тақозо қилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Миллий ҳунармандчилик турларига устувор аҳамият берилиши, мустақилликка эришилганидан кейин жамиятда этномаданий қадриятлар, жумладан ўтган асрларда кўлга киритилган бадиий тажрибаларга мурожаат қилиш ҳолатининг кучайиши тўғрисидаги хulosаларини тасдиқлади. Бу эса ўз навбатида, ҳунармандчилик ривожига янгича ёндашув ва соҳанинг янада тараққий этиши учун кенг имкониятлар яратиб беришни тақозо этарди. Замонавий жамиятни барпо қилиш борасида тўпланган дастлабки тажрибалар миллий маданий меросни асраб-авайлаш ниҳоятда муҳим масала эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳунармандчилик фаолиятининг ривожланиш тарихига назар ташласак, ихтисослашган меҳнат жамоасининг маълум шакли сифатида жамиятда мавжуд бўлган. У аввал қишлоқ хўжалигидан алоҳида ишлаб чиқариш сифатида пайдо бўлиб, сўнгги 200 йил ичида оммавий ишлаб чиқариш ва механизациялашган фабрика саноатидан фарқли уларок, асосан кичик ҳажмдаги товар ишлаб чиқариши фаолияти сифатида амал килди.

Бу борада ёшлар маънавияти ва миллий маданият устувор аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида қайд этилганидек: “Биз ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак, мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса,

жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият - бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни, аввало, миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим”.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда ўтган йиллар давомида анъанавий ҳунармандчилик маданиятини қайта тиклаш борасида салмоқли тажриба тўпланди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан сўнг халқимизнинг қадимий миллий ҳунармандчилиги ва унинг таркибий қисми ҳисобланган амалий санъат турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш борасида улкан имкониятлар юзага келди. Миллий ҳунармандчилик меросига халқимизнинг миллий маданий бойлиги сифатида эътибор қаратила бошланди.

Ўзбекистонда ҳунармандчиликни анъанавий миллий санъат ўзанида ривожлантириш учун ижтимоий-маънавий асос ва кўп асрлар давомида шаклланган тажрибалар мавжуд эканлигини эътиборга олиб, республика ҳуқумати ташабbusи билан мустақиллик йилларида соҳани тадрижий ривожлантириш борасида кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январдаги “Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида”ги, 1997 йил 31 марта “Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тегишли фармон ва қарорларга асосан уста ва ҳунармандларнинг меҳнат шароитлари яхшиланиши, соҳа вакилларига солиқ имтиёзлари берилиши, уларнинг республикамиз ва чет элларда ўтказиладиган ҳунармандчиликка оид кўргазма ва фестивалларда иштирок этиши учун имкониятлар яратиб берилгани, уларни рағбатлантириш тизими яратилиши каби кўплаб тадбирлар, шубҳасиз, миллий ҳунармандчилигимиз ривожида бениҳоя катта ўрин тутади.

Ёшларни миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат намуналари билан яқиндан таништириш, уларда ушбу санъат турларига нисбатан қизиқиш уйғотиш, халқ усталарининг меҳнатларини муносиб рағбатлантириш ва ҳунармандчилигимизни янада ривожлантириш мақсадида республика “Ҳунарманд” уюшмаси ташкил қилинган эди. Мазкур уюшма дастлаб “Мусаввир” илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибида фаолият кўрсатган бўлса, 2008 йил 5 майда нодавлат нотижорат республика ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди. Бугунги кунда уюшма аъзолари сони 40 минг нафардан зиёд бўлиб, унинг 13 та бошқарма ва 159 та бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили республика миқёсида ҳунармандчилик соҳалари бўйича кўплаб кўргазма, фестиваль ва қўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши билан имзоланган тармоқ келишувига асосан “Хунарманд” уюшмаси аъзолари, айниқса, унинг фахрий аъзолари ҳамда кекса ҳунармандларга мунтазам равишда моддий ва маънавий кўумак кўрсатиб келинмоқда. Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш мақсадида туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда маҳалла фуқаролар йигинлари билан ҳамкорликда маҳаллалар қошида, шунингдек, тажрибали ҳунармандларнинг устахоналарида ташкил этилган 800 дан зиёд “Уста-шогирд” мактабларида 4 минг нафар ёшлар турли ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Ўзининг тезкорлиги билан ажralиб турадиган XXI асрда дунёning инновацион контурини ишлаб чиқиши, маънавий ва моддий жиҳатдан юқори талабларга жавоб берадиган ривожланишга эришиш кўп жиҳатдан замонавий билимларга эга дизайннерларининг малакасига боғлиқ. Хусусан, бизнинг ҳунармандларимиз ҳам айни даврда мавжуд анъаналарни давом эттириш билан бир қаторда, соҳага янги йўналишларни олиб киришга ҳаракат қилишмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда саноатлашган миллий ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор чоратадбирлар амалга оширил. Миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, ҳунармандчилик соҳасидаги ишлаб чиқариш ва анъанавийликни тиклаш табиий жараёнга айланди. Шунингдек, бозор муносабатларига ўтилиши жараёнида бу соҳада корхона ва ишлаб чиқариш жамоаларининг тутадиган ўрни муҳим масалага айланди. Яъни, бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шарти кўп укладли иқтисодиётни, яъни мулкчиликнинг турли шаклларини юзага келтиришдан иборатdir.

Иқтисодиёт соҳасига бозор муносабатларини кенг жорий этиш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, истеъмол моллари ва бадиий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш учун соҳа вакилларининг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга масалага айланди.

Халқ усталари, ҳунармандлари ва мусаввирларининг республика “Хунарманд” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 марта “Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни қўллаб қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги 1741-сонли фармонига асосан ташкил этилган эди. Қолаверса, мазкур тарихий фармонга асосан мамлакатимиздаги барча ҳунармандлар солиқ ва божхона тўловларидан озод этилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда ҳунармандчилик соҳалари

жадал ривожланиб, айни пайтда “Хунарманд” уюшмаси аъзоларининг сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Самарқанд, Жиззах, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида “Хунармандлар марказлари” ишга туширилди, жойлардаги катор тарихий обидалар қайта таъмирланиб, фойдаланиш учун хунармандлар ихтиёрига берилди. Уюшманинг саъй-ҳаракати билан маҳаллий ҳокимликлар қарори билан хунармандлар учун ер майдонлари ажратиб берилди. Шаҳар ва туманлардаги бозорларда хунармандлар учун маҳсус раста ва дўконлар қуриб берилиши натижасида уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиши борасида катта имконият яратилди. Бугунги кунда “Хунарманд” уюшмаси аъзолари турли йўналишларда фаолият кўрсатиб, мингдан ортиқ турдаги хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдалар.

Миллий хунармандчилик соҳасини касаначилик асосида янада ривожлантириш, миллий хунармандчилик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва хунармандчилик соҳаларига хотин-қизларни кенг жалб этиш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Умуман, касаначиликни ривожлантириш миллий хунармандчилик равнақини таъминлаш ва оила даромадларини ошириш, ишлаб чиқаришга жалб этилмаган аҳолининг фаол қисмини иш билан таъминлаш борасида катта имкониятлар яратиб бериши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис касаначилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада ўзига хос қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, 1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” янги таҳрирдаги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандликни ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди.

Хунармандчиликни кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш ҳамда бу соҳага аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оиласаларни жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2017 йил 17 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони қабул қилинди.

Фармонга асосан хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, имтиёзли кредитлар бериш, хунармандчилик маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш, шунингдек, республикамизнинг туман ва шаҳарларида хунармандчиликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш ва “Уста-шогирд” мактаблари фаолиятини такомиллаштириш

каби масалалар республикада миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

ХУЛОСА

Хулоса килиб айтиш мумкинки, мустакиллик йилларида республикамизда миллий хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Хунармандчилик равнақини янги босқичларга кўтариш мақсадида ҳунарманд усталар фаолиятига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, хунармандчиликка оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ички имкониятларнинг ишга солиниши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, маданий меросни тиклаш каби йўналишлардаги хайрли тадбирлар соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Ҳозирги пайтда хунармандчилик сир-асрорларини ёшларга ўргатиш учун уста-шогирд анъаналарини кенгроқ жорий этиш ва соҳанинг истиқболли йўналишлари тараққиётини жадаллаштириш мақсадида хунармандчилик кластерларини шакллантириш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Шу йўл билан аҳолининг кенг қатламини иш билан банд этиш, ҳунармандларни арzon хомашё билан таъминлаш, маҳсулотни сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик тузилмасини вужудга келтириш ҳамда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини технологик жиҳатдан модернизациялаш ва инновацион жараёнларни жадаллаштиришга эришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш. Ҳалқ заковати ва қадриятларининг гултожи. // Ўзбекистон хунармандчилиги дурдоналари. Тошкент., “Ўзбекистон”, 2019. 5-6.
2. Mignosa A., Kotipalli P. 2019. A Cultural Economic Analysis of Craft. Switzerland. Springer Nature Switzerland AG. 3-р.
3. Ehmer J. 2015. Artisans and Guilds, History of. Nternational Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences:Second Edition. <https://doi.org/10.1016/B0-08-043076-7/02706-6>. 816-р.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2017 йил 25-декабр куни маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишлиланган йиғилишдаги нутқи.// <https://uzlidep.uz/>.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. –Тошкент, 1991, 30 октябрь – № 10; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. –Тошкент, 1991, 30 декабрь – № 12; Маърифат, 1997, 2 апрель; Ҳалқ сўзи, 1997, 4 июнь; Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2005; Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2006; Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами; – Тошкент, 2007; Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2008; Ҳалқ сўзи, 2010, 31 март

6. Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. – Халқ сўзи. 1997 йил 2 апрел.
7. <https://handicraftman.uz/?lang=uz-kr>
8. Галиева А. Дизайнерское проектирование как эстетический потенциал творчества современности. //“Oriental Art and Culture” Scientific-Methodical Journal. –Kokand. (2) I/2020. – С.70.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси. – Т., 1997. - №3. -Б.21-22
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси. – Т., 1998. - №5,6.